



АГРОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ

Амиров Акмал Мерожович,

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети докторанти. Самарқанд, Ўзбекистон. amirovakmal75@gmail.com

УДК: 379.85: 338.48

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss4/a34

Аннотация

Ушбу мақолада агротуризмнинг тушунчасининг иқтисодий моҳияти, мазмуни, унинг қишлоқ жойларини ривожлантиришдаги роли ва хусусиятлари, агротуризмни ривожлантириш тамойиллари ва омил-лари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: агротуризм, агротуристтик маҳсулот, туристик бозор, табиатни муҳофаза қилиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-тарихий тамойиллар.

Аннотация

В данной статье рассматривается экономическая сущность, содержание понятия агротуризм, его роль и особенности в развитии сельского хозяйства, принципы и факторы развития агротуризма.

Ключевые слова: агротуризм, агротуристический продукт, туристический рынок, природоохранные, социально-экономические, культурно - исторические принципы.

Abstract

In this article, economic essence, the content of the concept of agrotourism, its role and features in the development of agriculture, the principles and factors of development of agrotourism has been studied.

Key words: agro-tourism, agro-tourism product, tourism market, environmental, socio-economic, cultural and historical principles.

Кириш

Туризм индустриясининг жадал ривожланиш суръати XXI асрнинг энг муҳим ҳодисасига айланди. Бу кўплаб мамлакатларнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий таркибий қисмларига ва минтақаларнинг глобал тузилмасига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу соҳа юқори даромадли ҳисобланиб, иқтисодий ривожланган мамлакатларда нефть ва қуrol савдосидан кейинги ўринда туради.

Сўнги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида туризм соҳасининг ҳиссаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ушбу соҳага давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, унинг меъёрий ҳуқуқий асоси шакллантирилиб келинмоқда. Жумладан, «2016 йил 2 декабрда Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Туризмни

ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда, «мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини –агротуризм, экологик, зиёрат, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш каби долзарб вазифалар белгиланган бўлиб», уларни изчил ҳаётга тадбиқ этиш бўйича амалий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада республикамизда агротуризмнинг ривожланишига табиий, географик, ижтимоий-иқтисодий омиллари ва тамойилларини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича бошқа олимлар илмий асарлари қисқача таҳлили

Агротуризмни ривожлантиришни илмий тадқиқотлар объекти сифатида тадқиқ қилиш, унинг концептуал асосларини назарий жиҳатдан аниқлашни талаб қилади. Туризмни ушбу турининг термино-логик асосларини тузишда шунини таъкидлаш керакки, туризм ва қишлоқ хўжалигидаги қонунчилик базасида агротуризмнинг моҳиятини белгилайдиган атамалар мавжуд эмас. Кўпгина илмий адабиётларда агротуризм, қишлоқ туризмига синоним деб қаралади ва ушбу тушунчаларнинг назарий жиҳатдан ягона талқини мавжуд эмас.

Бугунги кунда ушбу атамани қўллашда маълум ноаниқликлар мавжуд бўлиб, натижада илмий изланишларда ва туризм бозорининг ушбу сегментини тўлиқ тушунишда маълум қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Баъзи мамлакатларда, агротуризм-рекреацион фаолият-нинг маълум бир тўлдирувчи тури сифатида, бошқаларида эса- экологик туризмнинг бир йўналиши, учинчидан - хусусий тадбиркорлик шакли, тўртинчидан-чекланган мавсумий тусга эга оилавий деҳқон (фермер) хўжаликларида фаолиятнинг ёрдамчи шакли сифатида хизмат қилиши таъкидланади.

Шундай қилиб, агротуризм тўғрисидаги турли хил таърифлар (қишлоқ туризми, фермер туризми, яшил туризм, табиий туризм) ижтимоий-иқтисодий қонуният жиҳатдан тенг деб ҳисобланади [7].

Агротуризмнинг асосий функцияси инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолатини самарали яхшилашдан иборатдир. Таъкидлаш лозимки, қишлоқ жойларда мавжуд ресурсларни реализация қилиш учун туристик бозорнинг яратилиши, иқтисодий функция сифатида улар учун молиявий ресурс ларни шакллантиради ва қишлоқ жойларининг иқтисодий ўсишини рағбатлантиради.

Айрим замонавий муаллифлар агротуризмни қишлоқ туризми-нинг бир йўналиши сифатида, қишлоқ туризми эса ўз навбатида қишлоқ жойларидаги табиий, маданий - тарихий, ижтимоий ва бошқа ресурсларидан фойдаланган ҳолда комплекс туристик маҳсулотни яратувчи туризм индустриясининг бир сектори сифатида изоҳлай-дилар.

МДХ олимларидан Чайка В., Исаев А. агротуризмни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнларида, масалан, деҳқончилик (боғдорчилик) ва чорвачилик (ҳайвонларни парвариш қилиш) ва бошқа шаклларида иштирок этиш деб ҳисоблайдилар [10].

Беспарточный Б.Д. ва Хромова А.В. «агротуризм деганда аввало, дам олиш ва халқ ҳунармандчилигини ўрганиш бўйича кўникмага эга бўлиш, турли қишлоқ фаолиятларида иштирок этиш, шунингдек маҳаллий маҳсулот ва хизматларни

реализация қилиш мақсадида қишлоқ ҳудудларига туристларни жалб қилиш бўйича туристик фирмалар ва маҳаллий аҳолининг тадбиркорлик фаолияти тушунилади» деб таъкиллашади [1].

Волков С.К. «агротуризм - бу янги ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, қишлоқ аҳолисидан туристик маҳсулотни яратиш ва таклиф қилиш учун қишлоқ ресурсларидан фойдаланишга йўналтирилган фаолият» деб таърифлайди [2].

Рутинский М.Й. ва Зинко Ю.В. «агротуризм - бу рекреация, таълим олиш ёки хўжалик юритишнинг анъанавий шакллари фаол жалб этиш мақсадида қишлоқ (фермер) хўжаликлардан фойдаланишни кўзда тутадиган, қишлоқ жойларига йўналтирилган туризмнинг кўнгилочар тури» деб таъкидлайдилар [8].

.Дунец А.Н. бу борада қуйидаги тарифни беради: «агротуризм (ферма туризми) - қишлоқ (фермер) хўжалигидан фойдаланишни ўз ичига оладиган туризм тури. Бу сайёҳнинг фермер хўжалиги ёки шахсий томорқа (хусусий секторда) участкаларида дам олишидир. Бу қишлоқ уйини ижарага олишдан фарқ қилиб, қабул қилувчи оила ўз меҳмонларига - турар жой, овқатланиш, бўш вақтни ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш орқали ғамхўрлик қилади» [3].

Здоров А.Б. ушбу атамани «аграр туризм - барқарор ривожланиш асосида адекват бошқарув тартибига эга бўлган ва қишлоқ аҳолиси муаммоларини ҳал қилишни таъминлайдиган, нисбатан бузилмаган экотизимлар ва этник-маданий мажмуаларига эга бўлган қишлоқ ҳудудларига мақсадли саёҳатдир» деб изоҳлайди [4].

Шакирова Е.Н.нинг «Россияда қишлоқ туризмни ривожлантириш» номли мақоласида «агротуризм - бу янги ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, қишлоқ аҳолиси томонидан туристик маҳсулотни яратиш ва кенг доирадаги шахсларга таклиф қилиш учун қишлоқ ресурсларидан фойдаланишга қаратилган фаолият» деган фикрни келтиради [11].

Ўзбекистонда агротуризмга оид фикрлар Нигматов А., Тухлиев Н., Абдуллаева Т., Ҳасанов И., Шамуратова Н.Т., Солиев А., Ҳамидов О.Х., Назаров М., Алиева М.Т., Якубжонова Ш.Т. каби олимларнинг ишларида ўз аксини топган. Улар миллий, маҳаллий ва ҳудудий хусусиятларга эга агротуризмни ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиқиб мустақил сайёҳлик йўналиши сифатида шакллантиришни таклиф қилганлар. Жумладан, иқтисодчи олимлардан Тухлиев Н. ва Абдуллаева Г. агротуризмни таърифлашда уни иккига, яъни қишлоқ ва фермер (деҳқон) туризмларига ажратади. Уларнинг фикрича қишлоқ туризми – сайёҳлик гуруҳларини анъанавий равишда узоқ қишлоқ, овул, ва поселка ёки уларнинг атрофида жойлаштиришни ташкил этиши, фермер туризми эса туристларни фермер хўжаликларида жойлаш-тириш билан фарқ қилади [9].

Тадқиқотда қўлланилган усуллар.

Тадқиқот жараёнда агротуризмни ривожлантириш бўйича анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, математик ва статистик усуллари, социологик сўров, SWOT-таҳлил, интеграл ҳисоблаш, картографик каби усуллардан фойдаланилди.

Мақоланинг мақсади. Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиши шароитида агротуризмни ривожлантириш ва истиқболли йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бугунги кунда мамлакатимиз қишлоқ ҳудудларидаги мавжуд табиий-рекреацион шарт-шароитлар турли сайёҳатларни ташкил этиш ва йил давомида миллий ва хорижий туристларни қабул қилиш имкониятини беради. Аграр соҳанинг мавжуд бой имкониятларидан

тўлиқ фойдаланиш, айниқса уни агротуризм йўналиши орқали ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи ва фаровон-лигини яхшилаш танланган тадқиқотнинг мақсадини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар.

Жаҳон миқёсида туризм соҳасининг ўсиш динамикаси 2019 йилда энг юқори бўлган. Яъни, 2019 йилда дунёда 1,5 миллиард халқаро туристлар рўйхатга олинган [12]. Сайёҳлик ва туризм соҳасининг умумий ҳиссаси жаҳон ЯИМ нинг 10,4 % ёки 9 258 млрд.АҚШ долларни ташкил этди [13]. «Covid-19» пандемияси яқин икки йилда туризм соҳасига салбий кўрсатди. Ҳозирги жорий даврда ушбу соҳанинг тикланиш жараёни содир бўлмоқда. Бутун жаҳон туристик ташкило-тининг маълумотларига кўра, «2021-йилда 415 миллион халқаро саёҳатлар қайд этилган, бу 2020-йилга нисбатан 4%га кўп. Туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотига қўшган ҳиссаси эса 1,9 триллион АҚШ долларни ташкил этиб, 2020-йилга нисбатан 19 %га кўпдир» [14].


Ўзбекистон учун агротуризм янги йўналиш бўлиб, унинг ташкил этилиши ва ривожланиши замонавий жаҳон миқёсидаги жараёнлар, биринчи навбатда глобаллашув ва урбанизация билан боғлиқдир. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг маълумотларига кўра, агротуризм дунё бўйлаб туризмни ривожлантиришнинг бешта асосий стратегик йўналишларидан бўлиб, турли хил дам олиш турларини ўзида мужас-сам этган ва хорижий мамлакатларда тез ривожланаётган йўналиш ҳисобланади [6].

Агротуризмни туристик маҳсулот сифатида баҳолаш учун диққатга сазовор жойлар, турар жой (қишлоқ уйи), қишлоқ таоми, маданий ҳордиқ чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Агротуризмга бўлган талабни баҳолаш ва туристлар қишлоқ жойларда нимани қидираёт-ганлигини тушуниш керак. Агротуризм кенг тушунча бўлиб, унинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган Бутунжаҳон туристик ташкилоти томонидан таклиф этилган универсал моделни тавсия этишимиз мумкин (1- расм).



1-расм. Бутунжаҳон туристик ташкилотининг агротуризм универсал модели [6].

Шуни ёдда тутиш керакки, юқорида кўрсатилган барча таркибий қисмларнинг «манфаатлар мувозанати» таъминлангандагина агро-туризмни самарали ривожлантириш мумкин. Агротуризмнинг барча элементлари уйғунлигини таъминлаш учун маҳаллий аҳоли ва туристлар манфаатларини ҳисобга олиш ҳамда атроф-муҳитга ғамхўрлик қилиш лозимдир. Бу ўз навбатида агротуризм фаровонлиги триадаси деб аталади (2-расм).



2.-расм. Агротуризм фаровонлиги мувозанати

Бу учта компонентнинг мувозанат ҳолати, қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожланишини таъминловчи асосий тамойилларни амалга оширилишини таъминлайди. Ушбу асосий тамойилларга қуйидаги-ларни келтиришимиз мумкин: табиатни муҳофаза қилиш тамойиллари, ижтимоий тамойиллар, иқтисодий тамойиллар, маданий - тарихий тамойиллар.

Табиатни муҳофаза қилиш тамойиллари: ҳудуднинг табиий хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва асраш, атроф-муҳитни вайро-нагарчиликлардан ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳудудида рухсат этилган фаолият турларини аниқлаш ва назорат қилиш, ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига туризмнинг таъсирини назорат қилиш.

Ижтимоий тамойиллар: ижтимоий укладни сақлаб қолиш; маданий хилма - хиллик ва маҳаллий жамоанинг турмуш тарзини ҳимоя қилиш ва дахлсизлигини кафолатлайдиган туризмнинг тури, кўлами ва ривожланиш суръатларини таъминлаш; ижтимоий зиддиятларни кучайтирадиган туризм шаклларига қарши туриш; агротуризмни ҳудуднинг анъанавий иқтисодий фаолият турлари билан боғлаб, маҳаллий аҳоли билан ўзаро тушунишни таъминлайдиган туризмнинг турини, миқёсини ва ўсиш суръатини танлаш;; маҳаллий товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ривожлантиришга кўмак-лашиш.

Иқтисодий тамойиллар: аҳолини даромад олишга ҳисса қўшиш, янги иш ўринлари яратиш, шаҳарга миграцияни чеклаш; ҳудуддаги иқтисодий хилма-хилликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш; анъанавий яшаш жойларини бузилишини/йўқ қилинишини олдини олиш.

Маданий - тарихий тамойиллар: маҳаллий мерос ва маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш; маҳаллий маданият ва уни оммалаш-тириш учун фойдали бўлган туризмни қўллаб-қувватлаш; ҳудуднинг ноёб маданий хусусиятларини кенг тарғиб қилиш; туристлар эҳтиё-жини қондириш; арзон нарҳда қулай турар жой; маҳаллий таом; манзарали ландшафтлар, маҳаллий диққатга сазовор жойлар, табиат; дам олишнинг фаол турлари; халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари/ эсдалик совғаларини сотиб олиш; саёҳат хавфсизлиги; аҳолининг дўстона муносабати.

Агротуризмни ривожлантиришни режалаштиришда ушбу тамо-йиллардан фойдаланиш жуда муҳимдир. Бу тамойиллар агро-туризмнинг барча субъектлари, яъни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, туристик агентликлар, туристлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятига асосланиши керак. Бу эса ўз навбатида агротуризмни самарали ва уйғун ривожланишини таъминлаш мумкин.

Туризм - кўп ҳолларда мавсумий ҳодисадир. Асосан, туристик фаолиятнинг чўққиси ёз пайтида, қишда эса пасайиш кузатилади. Агротуризмни ривожлантириш қишлоқ хўжалигидаги мавсумийликни юмшатиш эҳтиёжини, шунингдек асосий фаолиятни қўшимча молиялаштириш манбалари заруриятини белгилайди. Агротуризм - қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ йўналишдир. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришисиз агротуризмни тасаввур этиб бўлмайди, чунки туристнинг мақсади қишлоқ ҳаёти, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолияти билан танишишдир.

Агротуризмнинг шаклланиши ва ривожланишининг иқтисодий асослари, бир томондан, агротуризмнинг ўзига таъсир кўрсатадиган, иккинчи томондан, ҳудуднинг (мамлакатнинг) фаровонлигига таъсир кўрсатадиган кўп даражали ижтимоий-иқтисодий омиллар тизимини англатади. Қишлоқ ҳудудларини ислоҳ қилиш жараёнида агротуристик фаолият тамойилларини тўлиқроқ кўриб чиқиш учун агротуризмнинг шаклланиши ва ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, агротуризм ижтимоий-иқтисодий ва экологик омилларни ўзида мужассам этиб, қишлоқ ресурсларини сақлаш ва кўпайтириш нуқтаи назаридан фойдаланишга имкон беради, бу эса қишлоқ ҳудудларини барқарор ривожлантиришни таъминлайди. Агротуризмнинг ривожланишига ҳар томонлама таъсир кўрсатадиган омилларни бир нечта катта гуруҳларга бўлиш мумкин: ижтимоий-иқтисодий (ташқи ва ички); маъмурий, табиий-иқтисодий; туристик мотивация.

Ижтимоий-иқтисодий (ташқи ва ички) омиллар.

Ташқи ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- шаҳар фуқароларнинг дам олиш ва таътилга чиқиш схемалари;
- шаҳар аҳолисининг фаровонлиги ва тўлов қобилияти даражаси.

Хорижий мамлакатларнинг таътил вақтини ривожлантириш тенденциясини ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг туризмга, хусусан, агротуризмга таъсири жуда каттадир. Гарчанд дам олишга бўлган талаб камаймаса ҳам, таътил вақтининг қисқариши янада тезроқ суръатларда давом этиб боради. Натижада янги мотивли тавсифга эга бўлган туристик бозор истеъмолчиси пайдо бўлади, яъни даромад даражаси юқори, аммо узоқ саёҳатларни амалга ошириш учун етарлича бўш вақт йўқ. Бундай шароитда агротуризмнинг позицияси ташқи туризмдан кўра кўпроқ қулай ва фойдалироқ кўринади. Ушбу ҳолатдаги агротуризм позицияси нафақат юқори даромадли бозор сегментига йўналтирилади, балки дам олишнинг арзон қийматли шакли мавжудлиги сабабли ўрта ва кам даромадли аҳоли қатламини ҳам қамраб олади.

Ички ижтимоий-иқтисодий омилларга қуйидагилар киради:

- қабул қилувчи мамлакат қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражаси;
- туристларни жойлаштириш воситалари сони ва сифати;
- туристларга асосий ва қўшимча хизматларни, шунингдек ушбу объектларнинг техник жиҳозланишини таъминлайдиган умумий овқат-ланиш, кўнгилочар ва бошқа объектларнинг сони;
- маҳаллий инфратузилманинг ривожланганлиги.

Агротуризм туризмнинг аънавий турларига нисбатан энг қулай мавқеъга эга. Биринчи навбатда, мамлакат аграр секторининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ҳисоб олсак, қишлоқ аҳолисининг бўш вақтлари кўпроқ ва молиявий аҳволининг ҳолатда эканлигини айтишимиз мумкин. Бундай вазиятда қишлоқ ҳудудларида

ишсизлик даражаси юқоридир. Қишлоқ ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг энг заиф позицияси бу моддий-техник база ҳисобланади. Туристларни қабул қилиш учун бўш (шартли бўш) ўринлар мавжуд бўлса (шу жумладан ташландиқ уйлар), уларнинг барчаси, одатда, жуда паст сифатга эгаллиги билан фарқланади. Агротуризмни ривож-лантиришнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги яна бир «нозик» томони бу қишлоқ аҳоли пунктларининг инфратузилмасидир. Баъзан белги-ланган туристик объектга бориш қийин ва юқори харажат билан чекланган бўлади. Бундай ҳолларда, юқори даромадга эга бўлган туристларни жалб қила оладиган экзотик турларга сайёҳат уюштириш афзалроқ ҳисобланади. Агротуризмнинг энг жозибали хусусият-ларидан бири - бу овқатланишни ташкил этиш бўлиб, экологик соф ва юқори сифатли маҳсулотлардан тайёрланган таом агротуристларни юқори даражада жалб этади.

Агротуризмнинг ривожланишига таъсир этувчи *маъмурий* омиллар қуйидагилардан иборат: агротуризмни бошқариш тизимини ташкил этиш; агротуризм фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий таъминоти; агротуризм ахборот таъминоти; жойларда туризм ташкилотчиларининг мавжудлиги; агротуризм объектлари ходимларининг малакаси; таклиф этилаётган туристик маҳсулотнинг сифати ва ассортиментини назорат қилиш.

Табиий-иқтисодий омиллар деганда, аввало, муайян ҳудуднинг рекреацион салоҳият омиллари тушунилади ва буларга қуйидагилар киради: шаҳар аҳолиси томонидан одатий тартибда дам олиш учун фойдаланиладиган курорт-рекреацион масканларидан фойдаланиш интенсивлиги ва ҳолати; шаҳар аҳолиси томонидан анъанавий тарздаги уюлмаган дам олиш учун фойдаланиладиган курорт ва рекреацион масканларидан фойдаланиш даражаси ва ҳолати; агротуристлик ҳудудларда атроф-муҳит ва экологик вазият ҳолати; табиий муҳитнинг мавсумий ҳолати ва айрим объектларда туристик қизиқишни қондириш имконияти; туристик қизиқишдаги алоҳида объектларнинг мавсумий тавсифи.

Табиий - иқлим омиллари агротуристлик хизматларга талабни шакллантиришда жуда муҳим рол ўйнайди.

Истеъмомчилар томонидан агротуризмни дам олиш ўсули сифатида танлашларининг асосий мотивлари қуйидагилардан иборат: қишлоқ жойларда даромад даражасидан қатъи назар, маълум бир тоифадаги одамлар учун масалан, оилавий ёки бошқа анъаналар туфайли дам олиш мойиллиги; муайян иқлим шароитида соғлиқни яхшилаш имконияти; агротуристлик объектга хос бўлган экологик соф озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш жараёни; табиатга яқинлик ва кўп вақтни очиқ ҳавода ўтказиш имконияти; қишлоқ хўжалиги ишлари ва ҳунармандчилик жараёнларидан завқ олиш мақсадида иштирок этиш имконияти; ушбу ҳудуднинг маданияти ва ўрф-одатларида, маҳаллий миллий байрамларда, турли ижтимоий қатламдаги одамлар билан мулоқот қилиш имконияти; қиммат курорт ва санаторийларда дам олиш учун молиявий ресурсларнинг етишмаслиги; ушбу ҳудудга хос бўлган турли спорт турлари билан шуғулланиш ва бошқалар.

Ушбу омилларни амалиётда батафсил кўриб чиқиш, агротуризмни инновацион турлардан бири сифатида ривожлантириш билан шуғулланувчи маълум бир ҳудудга нисбатан жорий этишни тақозо этади (3-расм).



3-расм. Агротуризмни ривожлантириш омиллари таснифи¹

Хулосалар ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар қўйидагиларни кўрсатмоқда:

1. Туристтик ресурслар таъминоти, агротуризм фаолиятини тартибга солиш, ҳудудлар жойлашувининг табиий-иқтисодий шароитлари ҳамда туристик мотивацияни шакллантириш агротуризмни ривожлантириш омилларини аниқлаш имконини беради.

2. Агротуризмни ривожлантиришда муайян тамойилларга амал қилиш зарурлигини назарда тутган ҳолда хорижий адабиётларда олимлар ва мутахассислар томонидан билдирилган фикрлар ва қарашлари таҳлили натижасида агротуризмнинг асосий тамойиллари аниқланди. Агротуризмни ривожлантиришни режалаштиришда ушбу тамойиллардан фойдаланиш муҳим ҳисобланиб, агротуризмнинг барча субъектлари, яъни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, туристик агентликлар, туристлар, давлат ва маҳаллий ҳокимият идоралари фаолиятига асосланиши лозим. Бу эса ўз навбатида агротуризмни самарали ва уйғун ривожланишини таъминлаб, агротуризмнинг шаклланиши ва ривожланиши, бир томондан, мамлакат ичидаги туристик оқимлар даражасини оширишга, иккинчи томондан, экологик хавфсизликни таъминлаш доирасида ҳудуднинг қишлоқ ресурсларидан самарали фойдаланишга имкон беради.

3. Қишлоқ жойларда туризмни ривожлантириш ҳудудий иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш бўйича назарий қоидаларга асосланади. *Комплекс ёндашув* ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларини кўп томонлама, мутаносиб ўзаро боғлиқ равишда ривожлантиришни, ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсишини ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлайди.

4. Самарадорлик нуқтаи назардан қишлоқнинг ижтимоий - ишлаб чиқариш соҳаларида туристик тармоқ энг зарурий йўналиш ҳисобланади. Айнан у бозор муносабатларининг «асосий ўзаги» бўлиб, унинг атрофида ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқлари: маданият, соғлиқни сақлаш, экология, уй - жой сектори шаклланади ва туризм соҳаси каби параллел тарзда даромад келтиради. Ҳудудий агротуристтик комплексларни яратишда, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқларининг ривожланиш даражаси ҳисобга олинади. Айнан комплекс ёндашув ялпи, иқтисодий самарани беради. У ялпи ҳудудий маҳсулот, ҳудуддаги миллий даромад (соф маҳсулот) ёки ўрганилаётган объектларнинг фойдаси сифатида аниқланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Беспарточный Б.Д., Хромова А.В. Агротуризм: терминология и существенные характеристики // Известия Юго-Западного государственного университета. 2014. № 4 (55). С. 117-122.

2. Волков С. К. Сельский туризм в РФ: тенденции и перспективы развития // Экономика, предпринимательство и право. – 2012. – №6 (17). – С. 30–38.

3. Дунец А. Н. Сельский туристский бизнес в Алтайском крае: учебное пособие. – Барнаул: Изд-во Алт. ун-та, 2009. – 126 с.

4. Здоров А. Б. Комплексное развитие туризма в сельской местности. – М.: Универсум, 2009. – 153 с

5. Здоров А.Б. Агротуристский комплекс: Прогнозирование регионального развития: Монография. - М.: РИБ «Турист» 2007. - 44 с.
6. Имескенова Э.Г., Ишигенов И.В., А.Д. Манханов. Аграрный туризм (учебно – методическое пособие для самостоятельной работы студентов) – Улан-Удэ: Изд-во БГСХА, 2014. – 6 с.
7. Никитина О.А., Кушнарченко Е.П. Уточнение понятийного аппарата в развитии теории и практики регионального сельского туризма // Вестник Чувашского университета. Изд-во ЧГУ им. И.Н. Ульянова, 2010. С. 400–405.
8. Рутинський М. Й. Сільський туризм: Навч. Посіб / М. Й. Рутинський, Ю. В. Зінько. – К.: Знання, 2006. – 271 с.
9. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Национальные модели развития туризма.–Т.: «ЎзМЭ ДИН», 2006. – 423 с.
10. Чайка В., Исаев А. Сельский туризм в устойчивом развитии сельских территорий // Экономика сельского хозяйства России. 2010. №11. С. 23-25.
11. Шакирова Е.Н. Развитие сельского туризма в России // Экономическая наука и практика: материалы II Междунар. науч. конф. Чита: Молодой ученый, 2013. с-110–112.
12. <https://www.tohology.com/hospitality/industry/unwto-statistika-mezhdunarodnyh-poezdok/>
13. <https://www.statista.com/statistics/233223/travel-and-tourism--total-economic-contribution-worldwide/>
14. <https://corpblog.ostrovok.ru/mezhdunarodnyj-turizm-v-2021-godu/>